

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Tar.78.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА**  
**ИНСТИТУТИ**

**ЖУМАЕВА ШОИРА БЕРДИЯРОВНА**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ: РИВОЖЛАНИШ**  
**БОСҚИЧЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**07.00.07. – Этнография, этнология ва антропология**

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз- 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Жумаева Шоира Бердияровна**

Тошкент вилояти зиёратгоҳлари: ривожланиш босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари.....5

**Джумаева Шоира Бердияровна**

Места паломничества Ташкентской области: этапы развития и особенности .....27

**Jumaeva Shoira Berdiyarovna**

Place of pilgrimage in Tashkent region: stages of development and features.....52

**Эълон қилинган ишлар рўйхати.....56**

**Список опубликованных работ**

**List of published works**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Tar.78.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА**  
**ИНСТИТУТИ**

**ЖУМАЕВА ШОИРА БЕРДИЯРОВНА**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИ: РИВОЖЛАНИШ**  
**БОСҚИЧЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**07.00.07. – Этнография, этнология ва антропология**

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз- 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Таг460 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме))да Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tersu.uz](http://www.tersu.uz)) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Аширов Адҳамжон Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Турсунов Нурилло Нарзуллаевич**  
тарих фанлари доктори, доцент  
**Исоқов Зиёдулло Сафаралиевич**  
тарих фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражаларни берувчи PhD.03/30.12.2019.Таг.78.02 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол Авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (99876) 221-74-55, факс: (376) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz.).

Диссертация билан Термиз давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (\_\_\_\_-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, ТерДУ Баркамол Авлод кўчаси, № 43 уй. Тел.: (99876) 224-15-82, факс: (376) 221-74-55, 221-71-17 e-mail: termizdu@umail.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С. Н. Турсунов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, тарих  
фанлари доктори, профессор

**Х. Э. Холмўминов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
тарих фанлари номзоди, доцент

**Э. А. Қобулов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, тарих фанлари  
доктори, доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Глобализацион жараёнлар шиддат билан кечаётган бугунги кунда зиёратгоҳлар ва зиёрат билан боғлиқ маросимлар турли халқлар диний маданиятини ўрганиш, динлараро ҳамда миллатлараро толерантлик туйғуларини тарғиб этишда муҳим восита вазифасини бажармоқда. Шу сабабли ҳам замонавий глобаллашган дунёда зиёрат қадимий диний анъана сифатида барқарор ривожланаётган маданий ҳодисага айланди. Бу эса ўз навбатида, зиёрат ва зиёрат билан боғлиқ маросимларни халқ маданиятининг ўзига хос феномени сифатида ўрганиш ҳамда тарғиб этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

XXI асрга келиб, дунё миқёсида зиёратгоҳларнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий, диний, руҳий ва тиббий аҳамиятининг ошиб бориши натижасида турли минтакалардаги тарихий, маданий, диний қадриятлар ҳамда зиёратгоҳларни илмий асосда ўрганиш долзарб бўлиб бормоқда. Айниқса, сўнгги йилларда дунё бўйлаб экологик вазиятнинг ёмонлашуви натижасида зиёратгоҳлар этноэкологик қўриқхона объекти сифатида талқин этилмоқда.

Инсоният маданиятининг ноёб мероси сифатида тан олинган ўзбек халқининг бетакрор тарихий, диний, маданий ва маънавий қадриятлари жаҳон тамаддуни тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Ушбу соҳада Бухоро шаҳрида 2019 йил 21–23 февраль кунлари ўтказилган Биринчи Халқаро Зиёрат туризми Форуми (The First International Forum on Ziyarat tourism) туризм индустрияси сари қўйилган илк қадам бўлди. Қолаверса, “Янги Ўзбекистон”да зиёрат туризми Ўзбекистон иқтисодиётида стратегик йўналишлардан бири сифатида баҳоланиб, соҳани ривожлантиришга давлат миқёсида жиддий эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда ўзининг географик жойлашуви, хўжалиги ва иқтисодиётига кўра етакчи минтакаларидан бири ҳисобланган Тошкент вилоятида 200га яқин тарихий, табиий ҳамда диний қадамжо ва зиёратгоҳлар жойлашган бўлиб, ушбу масканлар тарихи, ўзига хослиги ҳамда улар билан боғлиқ тарзда ўтказилган турли маросимлар этнологик жиҳатдан тўлиқ тадқиқ этилмаган. Шу сабабдан, мазкур мавзуни элшунослик йўналишида ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 30 августдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида”ги 270-II-сонли<sup>1</sup> ва 2018 йил 15 февралдаги “Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Тошкент, 2001. – №9. – 10. – 181-модда.

ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорлари<sup>2</sup> ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари тараққиётининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” дастурининг устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Диссертация мавзусига доир тадқиқотлар ва адабиётлар тарихшунослиги бешта гуруҳга бўлиб, таҳлил қилинган:

Биринчи гуруҳ адабиётлари Тошкент вилояти зиёратгоҳлари тўғрисидаги ёзма манбалар бўлиб, булар сирасига Фахриддин Али ас-Сафийнинг “Рашаҳот-у айн-ул ҳаёт”, Муҳаммад Олим Сиддиқийнинг “Ламаҳот мин нафаҳот ул-қудс”, Тохир Эшоннинг “Тазкираи Тохир эшон”, Хожа Абдурахим Ҳисорийнинг “Тухфат ул-ансоб Алавия”, Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад Ҳусайн Бухорийнинг “Ҳужжат ул-зокирин”, Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандийнинг “Тарихи жаҳоннамои”, Муҳаммад Солиххўжанинг “Тарихи жадидаи Тошканд” каби тарихий манбаларини киритиш мумкин. Айнан мазкур гуруҳга мансуб манбаларнинг фарқли томони шундаки, уларнинг асосий қисмида Тошкент вилояти зиёратгоҳлари тўғрисида дастлабки маълумотлар қайд қилинганлиги билан ажралиб туради.

Иккинчи гуруҳ адабиётлари асосан, XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Россия империяси истилоси даврида ёзилган асарлардан иборат бўлиб, зиёратгоҳларнинг бунёд этилиш тарихи, улар билан боғлиқ афсона ва ривоятлар билан бир қаторда маҳаллий аҳолининг зиёратга оид маросимлари, авлиёларга бўлган ҳурмати, эътиқоди ҳамда Зангиота зиёратгоҳида ўтказилган халқ сайли тасвирланган. Мазкур гуруҳга мансуб асарлар жумласига А. Хорошхин, П. Маев, Н. Маллицкий ва Б. Лунинларнинг тадқиқотларини киритиш мумкин. Юқоридаги муаллифлар зиёратгоҳлар тарихи ва маросимларини этнографик далиллар асосида ўрганиб, ўз хулосаларини баён қилган.

Учинчи гуруҳ адабиётлари совет даври тарихшунослигига оид бўлиб, мазкур даврда мафкуравий тазйиқлар таъсирида ёзилган атеистик мазмундаги адабиётлар<sup>3</sup> билан бирга кўплаб экспедициялар ташкил этилиб,

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги “Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги 120-сонли Қарори. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>3</sup> Аҳмаджонов У., Қосимзода А., Йўлдошев Н. Ислом динида авлиёлар ва уларнинг мазорларига сиғиниш. – Тошкент, 1959; Фозилов Н. Зарарли одатлар. – Тошкент, Қизил Ўзбекистон, 1961; Шодиев Э. Ўзбек шоирлари диний маросимлар ва уларнинг зарарлари тўғрисида. – Тошкент, 1962; Петраш Ю. Г. Қадамжолар сири. – Тошкент, 1965; Алимўхаммедов А. “Муқаддас” ва “қадамгоҳ” жойлар ҳамда уларни зарарлари. –

мавзуга доир бир қанча илмий нашрлар чоп қилинган. Жумладан, ўзбек халқи кундалик турмуш тарзида зиёрат ва зиёрат маросимлари ҳамда авлиё култи билан боғлиқ қарашлар С. П. Толстов, Г. П. Снесарев, Ю. В. Кнозоров, В. Н. Басилов, О. А. Сухарева ва И. М. Жабборов каби олимлар томонидан ўрганилган.

Тўртинчи гуруҳ адабиётлари асосан, мустақиллик йилларида яратилган бўлиб, мазкур даврда зиёратгоҳлар ва зиёрат маросимларини тарих, археология, этнология, эпиграфика, фолклоршунослик, психология ҳамда туризм нуқтаи-назаридан ўрганиш борасида салмоқли тадқиқотлар амалга оширилиб, янги назарий-методологик ёндашувларга эга илмий нашрлар яратилди. Жумладан, И. Жабборов, Ҳ. Кароматов, Б. Аҳмедов, О. Бўриев, С. Бухорий, А. Аширов, И. Сувонкул, Т. Қиличев, А. Маликов, М. Саттор, Ў. Сўфиев, Н. Абдулаҳатов, З. Абидова ҳамда Ф. Акчаев каби олимлар томонидан яратилган асарларда зиёрат маросимлари миллий қадрият сифатида ёритиб берилган<sup>4</sup>.

Бешинчи гуруҳ адабиётларда хорижий тадқиқотлар акс этган бўлиб, уларда бугунги кунга қадар Тошкент вилояти зиёратгоҳлари хорижий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Мазкур мавзу Марказий Осиё ва Ўзбекистон миқёсида олиб борилган илмий изланишларда қиёсий таҳлил сифатида ёритиб берилган. Жумладан, С. Н. Абашин, О. В. Горшунова, В. Л. Огудин, Т. Ю. Паул (Германия), Ж. А. Гросс, Т. Заркон, Ҳ. Фатҳи ва Яёи Кавахара каби хорижий тадқиқотчилар томонидан тасаввуф таълимотлари билан боғлиқ зиёратгоҳлар, зиёратгоҳлар эпиграфикаси, зиёрат билан боғлиқ урф-одат-маросимлар, зикр, муқаддас қадамжо ҳамда зиёратгоҳларга тегишли вақф ҳужжатлари каби йўналишларда илмий изланишлар олиб борилган<sup>5</sup>.

---

Тошкент, 1966; Ўша муаллиф: Ислоҳ динидаги маросимчилик ва урф-одатлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1969; Шарипов Э., Бозоров Э. “Муқаддас” жойлар тўғрисида ҳақиқат. – Тошкент, 1976; Давлатбоев Т. Авлиёларга сиғиниш ва уларнинг зарарлари. – Тошкент, 1979; Назаров Х., Темиров Ф. Медицина ва диний хурофотлар. – Тошкент, 1981; Саксонов Т., Ҳошимов М. Хўш, нимаси муқаддас? – Тошкент, 1985; Саксонов Т. Муқаддас жойлар – хурофот ва бидъат ўчоғи. – Тошкент, 1986.

<sup>4</sup> Жабборов И., Дресвянская И. Духи, святые, боги Средней Азии. – Ташкент: Узбекистан, 1993. – 223 с.; Жабборов И. М. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 312 б.; Ўша муаллиф: Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. – Тошкент: Ўқитувчи, 2003; Қиличев Т. Кўҳна қабалар диёри. – Тошкент, Ўқитувчи, 1993. – 80 б.; Бухорий С. С. Табаррук зиёратгоҳлар. – Тошкент, Ёзувчи, 1993; Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. – Тошкент: Фан, 1993; Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 255 б.; Сувонкул И. Самарқанд қадамжолари. – Самарқанд: Зарафшон, 1998. – 32 б.; Аширов А. А. “Авесто”дан мерос маросимлар. – Тошкент: Мерос, 2001. – 32 б.; Ўша муаллиф: Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент, 2008. – 276 б.; Саттор М. Ўзбек удумлари. – Тошкент, 1993; Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. – Тошкент, 2008. – 664 б.; Абдулаҳатов Н., Азимов В. Олтиариқ зиёратгоҳлари. – Тошкент, 2005; Абдулаҳатов Н, Эшонбобоев Ў. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари. – Фарғона, 2007; Malikov A. Religious practices Pilgrimage Central Asia. // Encyclopedia of Women and Islamic Cultures. Vol.5. – Leiden-Boston: Brill, 2007, – P. 325–326; Сўфиев Ў. М. Сўх тожикларининг сув култи билан боғлиқ урф-одатлари / Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. – Фарғона, 2014.; Абидова З. Қ. Хоразмдаги қадамжо ва зиёратгоҳлар. – Тошкент, 2016; Акчаев Ф. Трансформация святых «Парпи ойим» или Умай-она. архив научных Публикаций JSPI, 1(94). Извлечено от <https://science.i-edu.uz/index.php/archive/jspi/article/view/2500>.

<sup>5</sup> Огудин В. Л. Мазар Таш-Ата (Имам ата). / Проблемы изучения традиции в культуре народов мира. – М., 1990; Саксонов Т. Паломничество к святым местам: традиция и современность. – М.: Луч, 1991. – 56 с.;

Мавзунинг тарихшунослик таҳлили асосида хулоса тарзида шуни таъкидлаш мумкинки, турли тарихий даврларда зиёратгоҳларга оид кўплаб тадқиқотлар бажарилганлигига қарамасдан, Тошкент вилояти зиёратгоҳлари этнографик жиҳатдан ўрганилмаган. Тадқиқотнинг тарихшунослик таҳлили диссертациянинг I боби 2 қисмида батафсил берилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Тошкент вилояти Чирчиқ педагогика институти ва Люблин техника университети (Польша) ҳамкорлигидаги “Буюк Ипак йўлидаги маданий ёдгорликларни рақамлаштириш” лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Тошкент вилояти муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлари, зиёрат одатлари ҳамда маросимларининг этнолокал хусусиятларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

- зиёратгоҳларнинг ўрганилиш тарихини тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этиш;
- халқаро “Олтин Мерос” хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими томонидан 2001–2020 йилларда вилоят зиёратгоҳларида амалга оширилган ишларни ёритиб бериш;
- Тошкент вилояти муқаддас қадамжоларининг тавсифи ва таснифи, зиёрат тартиби, одатлари ҳамда рамзларини таҳлил қилиш;
- зиёрат билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар генезиси ҳамда мазмун-моҳиятини аниқлаш;
- зиёрат ва зиёратгоҳлар билан боғлиқ маданият, диний қарашлар ва этномиллий қадриятларни ёритиб бериш;
- зиёратгоҳларда ўтказиладиган маросимларнинг ўзбек миллий маданияти ва менталитетида тутган ўрнини аниқлаштириш;
- турли аҳоли қатламларининг зиёратгоҳ ва қадамжоларга бўлган муносабатини этносоциологик тадқиқотлар асосида кўрсатиб бериш;
- вилоятнинг сайёҳлик салоҳиятида зиёрат туризми йўналишининг аҳамияти ва соҳани ривожлантириш борасидаги муаммоларни таҳлил этиш;

---

Горшунова О. Женское паломничество к святым местам (по материалам Ферганской долины) / Итоги полевых исследований. – М.; 2000 – С. 23–40; Абашин С. Н. Сафед Булан / Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Вып. 3. – М., 2001; Ўша муаллиф: Семь святых братьев / Подвижники ислама. – М., 2003. – С. 18–41; Кавахари Я. Офок хожанинг ўгли Ҳожи Ҳасан шажараси ҳақида // Шарқшунослик. – 2004. – №12. – Б. 89–103; Хабиба Фатхи. Значение женских ритуалов «Биби Мушкулькушод» и «Биби Сешанбе» в современной Центральной Азии / Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 2-қисм. – Тошкент, 2005; Абашин С. Н. Культ Двурогого Искандара у горцев Центральной Азии / Среднеазиатский этнографический сборник. Вып.V. – М., 2006. – С. 109–209; Mazar documents from Hinjayg and Fergana (fakcsimile) / Edited bu Sugawara Jun Kawahara Yayoi. – Tokyo, 2006; Kawahara Yayoi. The Mazar of Qutayba ibn Muslim: F Studu of the Oral Tradition and Historical Documents / Islamic Sacred Places in Central Asia: The Fergana Valley and Kashghar Region / Silk roadology Tokyo, 2007. – P. 79–103; Терлецкий Н. Знамя для моления (Символизм и функция туга в практике зийарата у народов Центральной Азии // Лавровский сборник. – СПб.: МАЭ РАН, 2009. – С. 112–117.



– ўрганилган масалалар юзасидан илмий хулосалар ва амалий аҳамиятга молик таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объектини** Тошкент вилоятида жойлашган муқаддас кадамжо ва зиёратгоҳлар ташкил этади.

**Тадқиқот предмети** Тошкент вилоятининг муқаддас кадамжо ва зиёратгоҳлари, зиёратгоҳлар билан боғлиқ халқона қарашлар ҳамда маҳаллий урф-одат, маросимлар ва зиёрат билан боғлиқ рамзларни этнологик жиҳатдан ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қиёсий-тизимли таҳлил, тарихийлик, этнографик дала тадқиқотлари ва анкета-сўровнома усуллари қўлланилган.

**Диссертациянинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилояти муқаддас кадамжо ва зиёратгоҳлари ҳудудий (тоғли, воҳа ва дашт), вазифаси (давловчи ва ҳомийлик қилувчи) ҳамда зиёрат объекти (табиат, афсонавий, тарихий ва диний шахслар билан боғлиқ)га кўра таснифланган;

вилоятдаги 151 та табиий (ландшафтли) зиёратгоҳ ва кадамжолар: а) тоғ-тошлар, ғорлар билан боғлиқ орографик; б) булоқ, дарё, кўл билан боғлиқ гидрологик; с) ўсимлик дунёси билан боғлиқ антропоген зиёратгоҳлар эканлиги аниқланган;

Зангиота, Шайх Умар Вали, Қадамжо, Парпи ота ва Бухангар бува каби зиёратгоҳларда локал маросимлар (халқ сайллари, мучал ёши) ва тақвимий сайл (лола сайли) ўтказилиши этнографик материаллар асосида исботланган;

зиёратгоҳларда махсус маросим таомлари (Зангиотада ширгуруч, ҳалим, Шайх Умар Вали зиёратгоҳида гўжа ош, Ғормазорбобо зиёратгоҳида сут-қатикли таом, Обинамак бобода атала, Кавсар отада эса ҳамирли таом-угра пиширилган ва ҳафта кунлари билан боғлиқ маросим таомлари (душанба Мастура онага мастава, сешанба – Биби Сешанбага атаб, сутли гуруч ош, чоршанба тугун ош (чалпак ва чучвара), пайшанба – чилтон оши, қатлама ва ҳолвайтар, жума – қайла, шанба шавла, якшанбада эса от гўштидан норин, сомса ва манти) таомлар тайёрланиши далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилояти зиёратгоҳлари билан боғлиқ тасаввурлар, зиёрат маросимларидаги маҳаллий эътиқодлар ва ислом дини симбиозини тадқиқ этиш тарихий ҳамда этнологик тадқиқотларда эътироф қилинган илмий қарашлар, тадқиқот усуллари ва фанлараро ёндашув методлари асосида амалга оширилган;

Тошкент вилояти зиёратгоҳлари тарихи, жойлашган ўрни ва ўзига хос локал хусусиятлари тўғрисида ўзбек, инглиз, рус ҳамда немис тилларида маълумот берувчи [www.shoshziyorat.uz](http://www.shoshziyorat.uz) дастури ишлаб чиқилган;

Тошкент вилоятининг туристик салоҳияти ва кадрларга бўлган эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш қўмитаси қошидаги Туризмни ривожлантириш институти

билан ҳамкорликда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида “Гид (экскурсия етакчиси) фаолияти” қайта тайёрлов курси ташкил қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, республика ҳамда халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ва хорижий илмий нашрларда чоп қилинган мақолалар, хулоса, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий қилинганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Этнологик тадқиқотларда зиёрат маросимларининг диний, ижтимоий-иқтисодий ва маҳаллий хусусиятлари, глобализацион даврда зиёратгоҳларнинг аҳамияти каби масалаларни ўрганишда фанлараро ёндашув ҳамда янгича назарий-услубий йўналишлардан фойдаланилганлиги тадқиқотнинг илмий аҳамиятини белгилайди.

Илмий изланишнинг амалий аҳамияти тадқиқотни бажариш жараёнида олинган илмий натижаларга асосланиб, олий ўқув юртлари учун “Тарихий ўлкашунослик ва туризм”, “Диншунослик”, “Этнология” ва “Марказий Осиё халқлари этнологияси” фанларидан ўқув қўлланмалар тайёрлаш ҳамда Тошкент вилояти тарихини ўрганиш бўйича ўтказиладиган тадқиқотларда услубий ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Шунингдек, диссертация муаллифининг тадқиқот натижалари Тошкент вилояти тарихини ўрганиш ҳамда вилоятда муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар бўйлаб янги зиёрат турларини ташкил этишга асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

Тошкент вилоятининг зиёрат туризми салоҳиятини тарғиб этиш, ички туризмни ривожлантириш, шунингдек, маҳаллий ва хорижий зиёратчилар ҳамда сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида ўзбек, рус, инглиз ва немис тилларида [www.shoshziyorat.uz](http://www.shoshziyorat.uz) дастури яратилди. Мазкур дастурга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 2020 йил 29 июлда “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурнинг расмий рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги №DGU 09238-сонли гувоҳнома”си берилган. Бу мамлакатимизга сайёҳларни жалб этишнинг замонавий шакли ва усулидан бири бўлиб, миллий туризм индустриясининг ривожига катта ҳисса қўшди;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканалида эфирга узатиладиган “Etno” кўрсатувида Тошкент вилояти муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлари тавсифи ҳамда таснифи, ўзбек миллий кадриятлари тизимида зиёратгоҳларнинг ўрни ва аҳамияти, зиёратгоҳларда ўтказиладиган маросимларнинг анъанавий ҳамда замонавий хусусиятлари ҳамда замонавий глобаллашув даврида зиёратгоҳлардаги ўзгаришлар, сўнгги

йилларда мамлакатимизда зиёрат туризмини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ва эришилган натижалар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 7 апрелдаги 02-40518-сонли маълумотномаси). Бу Тошкент вилоятининг муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлари ҳамда зиёрат маданиятининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида кенг жамоатчиликни яқиндан хабардор қилиш учун илмий асос вазифасини ўтаган;

“O‘zbekiston tarixi” телеканалида эфирга узатилган “Тақдимот” кўрсатувида тадқиқотчи томонидан “Тошкент вилояти зиёратгоҳлари: ривожланиш босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари” мавзуси юзасидан олиб борилган тадқиқотлар, тадқиқот иши усуллари, диссертациянинг илмий-амалий аҳамияти ҳамда янгиликлари тўғрисида маълумотлар берилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 17 июндаги 02-401029-сонли маълумотномаси). Натижалар Тошкент вилояти зиёратгоҳларини маҳаллий аҳоли орасида оммалаштиришга хизмат қилган;

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ва Люблин техника университети (Польша) билан ҳамкорликдаги Буюк Ипак йўлидаги маданий ёдгорликларни рақамлаштириш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, тадқиқот натижалари асосида халқаро илмий конференциялар ва маҳорат дарсларини ташкил қилиш, монографиялар нашр этиш ҳамда рақамлаштирилган тарихий обида ва ёдгорликларни SilkRoad3D.com порталига жойлаштиришга қаратилган мазкур лойиҳада тадқиқот иши давомида йиғилган маълумотлар асосида Тошкент вилояти Зангиота зиёратгоҳининг 3D формати яратилган (0094-сонли маълумотнома 2022 йил 19 январда Чирчиқ давлат педагогика институтида берилган). Бу SilkRoad3D.com портали орқали сайёҳларни жалб этиш ва Тошкент вилоятида зиёрат туризмини ривожлантиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 14 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган ҳамда 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан эътироф қилинган журналларда 6 та, хорижий нашрларда эса 5 та илмий мақола чоп қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Мазкур диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 157 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги, ишнинг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларининг ишончлилиги, апробацияси, жорий қилиниши, диссертация натижаларининг эълон қилинганлиги ҳамда таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг **“Зиёратгоҳларни тадқиқ қилишнинг назарий асослари ва тарихшунослиги”** деб номланган биринчи бобда зиёрат ва зиёрат маросимлари билан боғлиқ тадқиқотлар, муаммонинг назарий асослари ҳамда ўрганиш услублари, шунингдек, Тошкент вилояти зиёратгоҳларининг ўрганилиш тарихи ҳақидаги маълумотлар акс этган. Қолаверса, “Олтин мерос” халқаро хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлимининг зиёратгоҳлар билан боғлиқ фаолияти ҳам айнан ушбу бобда таҳлил қилинган.

Ушбу бобнинг биринчи параграфида зиёрат маросимлари ва зиёратгоҳларни тадқиқ қилишнинг илмий назарий асослари ҳамда тадқиқот иши давомида қўлланилган усуллар ёритиб берилган.

Маълумки, зиёратгоҳлар ва зиёрат маросимлари билан боғлиқ тадқиқотлар дастлаб эмпирик кузатувлар, сайёҳларнинг зиёрати акс этган кундаликлар ҳамда турли хил зиёратгоҳларни тасвирлашдан иборат бўлган бўлса, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб зиёрат маданий ҳодиса сифатида илмий изланишларда тадқиқ этила бошланди<sup>6</sup>. XXI асрга келиб, зиёрат туризм соҳасининг ички ва халқаро даражада барқарор тараққиётга эга йўналишлардан бирига айланди. Бу эса ўз навбатида, зиёрат соҳасида илмий тадқиқотларнинг назарий асосларини яратиш ҳамда зиёратгоҳлар ва табаррук қадамжолар тарихи туризмга махсус йўналишлар, илмий тадқиқот усуллари асосидаги таҳлил, туристик маҳсулотларни тайёрлаш ва инновациялар учун зарурий механизмларни шакллантиришни талаб этади.

Тадқиқот мавзусининг тузилишидан келиб чиқиб, ишда маданият тарихи ва назарияси, дин тарихи ва психологияси, социология, афсона ва маросим назариясига асосланган ёндашувларни ўз ичига олган фанлараро методологиядан фойдаланилган. Турли маданий-тарихий зиёрат маросимлари учун умумий бўлган хусусиятлар, уларнинг етакчи вазифалари, мазмуни ва тузилишини изоҳлашда А. ван Геннеп, Э. Дюркгейм, Л. Г. Ионин, В. Н. Топоров ва В. Тэрнер каби олимларнинг илмий изланишлари, зиёрат маросимларининг фалсафий-психологик жиҳатларини талқин этишда хорижий тадқиқотчилар – З. Бауман, К. Г. Юнг ҳамда Ж. Урриларнинг

---

<sup>6</sup> Калужникова Е. А. Паломничество как ритуал: сущность и культурно-исторические типы. Дисс. на соиск. учен. степ. канд. культурологии. – Екатеринбург, 2007. – С. 4.

асарлари, постмодерн даврида зиёратни изоҳлашда З. Бауман ва Д. Лодгеларнинг фикрлари илмий-назарий асос қилиб олинган.

Тошкент вилоятидаги табиат култи билан боғлиқ муқаддас кадамжолар ва зиёратгоҳларнинг вазифаларини ёритишда айнан спиритуал экология<sup>7</sup> тадқиқот усуллари асос қилиб олинди. Шунингдек, табиат култи билан боғлиқ зиёратгоҳлар ва уларнинг бугунги кун диний тасаввурлари тизимидаги ўрнини ўрганишда В. Л. Огудиннинг тадқиқоти назарий ҳамда услубий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур муаллиф томонидан Фарғона водийси яхлит географик ҳудуд сифатида олиниб, ҳудуддаги табиат култи боғлиқ зиёратгоҳларнинг пайдо бўлиши, исломлашув жараёни ҳамда водий аҳолисининг кадамжо ва зиёратгоҳларга бўлган муносабатининг ўзига хос жиҳатлари, шунингдек, деҳқончилик билан шуғулланувчи ҳамда тоғли ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг зиёратгоҳларга бўлган муносабатларидаги ўзига хос томонлари қиёсий таҳлил қилинган<sup>8</sup>.

Шунингдек, тадқиқотнинг “Зиёратгоҳларда ўтказиладиган урф-одат ва маросимларнинг этнохудудий хусусиятлари” деб номланган бобини ёритишда “жамоавий хотира” тушунчасидан фойдаланилди. Зеро, ўзбек халқи совет даврининг мафкуравий тазйиқларига қарамасдан, миллий қадрият ва маросимларни оилавий анъаналарда сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Маълумки, Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларида яшовчи аҳоли орасида зиёрат маросимлари яхши сақланган бўлиб, ушбу ҳолатни “жамоавий хотира” маҳсули сифатида изоҳлаш мумкин. Антропологлар – Б. Привратский ва Л. Э. Исмоилов ҳамда этнолог А. М. Маликов ҳам ўз тадқиқотларида жамоавий хотира ва локал тарих усулларида кенг фойдаланган<sup>9</sup>. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида кузатиш, таққослаш, синхрон, даврлаштириш ва анкета-сўровнома усуллари қўлланилган.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш мумкинки, зиёрат ва зиёрат маросимлари барча даврлар учун долзарб мавзу сифатида ўрганилган. XXI асрга келиб, мазкур йўналиш туризм соҳаси билан уйғунлашиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида, зиёрат ҳамда зиёрат маросимлари бўйича тадқиқотларни кенгайтириш ва ўзига хос методологик ёндашувларни ишлаб чиқиш заруриятини вужудга келтиради.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфида зиёратгоҳларнинг ўрганилишига доир бажарилган тадқиқотлар тарихшунослик нуқтаи назаридан қуйидаги гуруҳларга бўлиб, таҳлил қилинган:

---

<sup>7</sup> Спиритуал экология – инглизча “Spiritual ecology” сўзидан олинган бўлиб, маънавий экология маъносини англатади. Яъни, экологик ва атроф муҳитни ҳимоя қилишга диний, маънавий қадриятлар асосида ёндашиш.

<sup>8</sup> Огудин В. Л. Природные места поклонения в религиозных представлениях современного населения Ферганы. Дисс. на соиск. учен. степ. докт. ист. наук. – М., 2003. – 643 с.

<sup>9</sup> Bruce Privratsky. Muslim Turkistan: Kazak Religion and Collective Memory. Richmond, Surrey: Curzon Press, 2001; Исмоилов Л. Э. Мавераннахрский суфизм и священные захоронения (XVI в). // <https://cyberleninka.ru/article/n/maverannahrskiy-sufizm-i-svyaschennye-zahoroneniya-xvi-v>; Маликов А. М. Узбеки группы кунграт долины Зерафшана в XIX – начале XX в. – Самарканд, 2007. – С. 125.

1. Тошкент вилояти зиёратгоҳлари тўғрисидаги ёзма манбалар. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ёзма манбаларда асосан, Тошкент воҳасининг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳаёти ва шаҳар-қўрғонлари тўғрисида маълумотлар қайд қилинган. Тадқиқот мавзусига доир маълумотлар эса зиёратгоҳларнинг жойлашган ўрни, уларнинг географик таснифи ва маҳаллий аҳолининг айрим зиёрат маросимларига оид этнографик лавҳалардан иборат бўлишига қарамасдан, мазкур манбалар ўзбек миллий маданиятида зиёратнинг тутган ўрнини аниқлаштиришда тарихий асос бўлиши билан ҳам қадрлидир.

2. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Россия империяси истилоси даврида рус сайёҳлари, зобитлари, шарқшунослари, тарихчилари ва тадқиқотчилари томонидан олиб борилган изланишлар ҳамда саёҳат кундаликларида қисман бўлса-да, зиёратгоҳлар тўғрисида маълумотлар акс этган<sup>10</sup>. Шунингдек, “Туркестанские ведомости” газетаси ва “Туркестанский сборник” тўпламида чоп қилинган мақолалардан тадқиқот ишида манба сифатида фойдаланилган<sup>11</sup>.

Умуман олганда, ушбу даврда амалга оширилган илмий изланишлар гарчи, малакали мутахассислар томонидан бажарилмаган бўлса-да, тадқиқот мавзуси доирасида илк эълон қилинган илмий ишлар эканлиги ва муаллифларнинг шахсий қузатувлари асосида ёзилганлиги билан аҳамиятлидир. Бироқ, ушбу қайдномалар кўпинча мутахассислар томонидан йиғилмаганлиги боис Тошкент вилояти зиёратгоҳларининг ўзига хослиги ва тарихи борасида батафсил маълумот бера олмайдиган тавсифий характердаги ёки узук-юлуқ маълумотлар мажмуидангина иборат бўлиб қолган.

**3. Совет даври адабиётлари.** Мазкур даврда зиёратгоҳлар ва зиёрат маросимларининг ўрганилишига оид адабиётларни икки гуруҳда бўлиш мумкин: 1. Илмий адабиётлар. 2. Атеистик руҳдаги тарғибот материаллари.

Маълумки, 1917-йилда содир бўлган Октябрь тўнтаришидан сўнг дастлабки пайтларда ёзилган илмий асарлар, монография ва мақолаларда зиёратгоҳлар фаолияти ҳамда уларнинг моддий асоси бўлган вақф мулкларига оид тарихий маълумотлар нисбатан объектив ёритилган.

<sup>10</sup> Хорошхин А. П. Очерки Ташкента. / Сборник статей касающихся до Туркестанского края. – СПб., 1876. – С. 78–142; Ўша муаллиф: Вакуфы Ташкента. // Туркестанские ведомости. 1884. №34; Маев Н. А. Азиатский Ташкент / Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. IV. – СПб., 1876; Гейнс А. К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве. / Собрание литературных трудов. В III томах. – СПб., 1897–1899. Т. II. – С. 413–535; Маллицкий Н. Г. Несколько слов из истории Ташкента за последнее столетие. // Туркестанские ведомости. – 1898. – № 88, 90, 91; Ўша муаллиф: Из истории Ташкента при Кокандском владычестве // (ПТКЛА). – 1900. – С. 126–137; Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. – М.: Наука, 1968. – С. 31–36; Луний Б. История Узбекистана в источниках. / Известия путешественников, географов и ученых XVI – первой половине XIX вв. – Ташкент: Фан, 1988.

<sup>11</sup> Туркестанское ведомости. – 1875 год 26 август. – С. 110–111; Казбеков Ю. Праздник в Зенги-Ата. // Туркестанские ведомости. – 1878. – №34. – С. 57; Галий Аскар Казинин. Айша Биби. // Туркестанские ведомости. – 1904. – №37. – С. 168; Ўша муаллиф: Остатки языческих обычаев среди туземцев. // Туркестанский сборник. Т. 463. 1904. – С. 17–19; Ўша муаллиф: Сборник материалов по мусульманству. // Туркестанский сборник. Т. 563. 1905. – С. 1–15; Ўша муаллиф: Баземъ въ Занге-ате. // Туркестанский сборник. Т. 83. 1905. – С. 197.

Жумладан, С. П. Толстов, Г. П. Снесарев, Ю. В. Кнозоров, В. Н. Басилов, О. А. Сухарева ва И. М. Жабборов каби олимларнинг илмий ишлари мисолида кўриш мумкин. Зиёратгоҳларнинг меъморий жиҳатдан тадқиқ этилиши В. В. Бартольд, В. Л. Вяткин, Я. Ғуломов, Б. Н. Засипкин, М. Е. Массон ва М. Саиджановларнинг номи билан боғлиқ бўлиб, уларнинг зиёратгоҳлар тўғрисидаги дастлабки ўлчовлари, чизма ҳамда мақолалари муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, Тошкент вилояти зиёратгоҳларини археологик жиҳатдан тадқиқ этишда М. Е. Массон, Ю. Ф. Буряков, М. Р. Қосимов ва О. М. Ростовцевларнинг илмий изланишлари муҳим роль ўйнайди<sup>12</sup>. Зиёратгоҳларнинг архитектурасини ўрганишда Г. А. Пугаченкова, Л. И. Ремпель, В. А. Булатова ва Л. Ю. Маньковскаяларнинг хизматлари катта бўлган<sup>13</sup>. Мазкур адабиётларда асосан, Зангиота, Қизил мазор ва Гумбаз бобо зиёратгоҳларининг меъморий ечими, ўлчовлари, безаклари ҳамда ўзига хос услублари тўғрисида маълумотлар берилган.

Совет давлатининг “Дин – афюнدير” деган шиори остида ислом динига қарши олиб борилган кенг қамровли даҳрийлик сиёсати натижасида кўплаб диний арбоблар, тасаввуф шайхлари ва диндор аҳоли вакиллари қатағон қилинган<sup>14</sup>. Қадамжоларни зиёрат қилишга қарши кураш, айниқса, КПСС МКнинг “Муқаддас жойларга сиғинишга қарши кураш тўғрисида”ги қароридан кейин кучайди ва ушбу мавзуга бағишланган кўплаб китоблар чоп этилди<sup>15</sup>. Албатта, собиқ совет мафкураси таъсирида ёзилган мазкур адабиётлар ва мақолаларда нафақат миллий қадриятлар –зиёрат маросимлари, авлиёларга хурмати ҳамда эҳтироми топталган, шу билан бирга, халқимизнинг буюк аждодлари номлари ҳам қораланиб, улар томонидан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари турли бўҳтонлар билан изоҳланган. Қолаверса, муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳлар ҳамда зиёрат маросимлари билан боғлиқ мавзуларга ҳам мафкуравий ёндашувлар сабаб зиёратгоҳларнинг вайрон бўлиши ҳамда қаровсиз қолиб кетиши, диний

<sup>12</sup> Массон М.Е. Ахангеран. Издательство АН Уз ССР. Т.1953; Ю. Ф. Буряков, М. Р. Касымов, О. М. Ростовцев. Археологические памятники Ташкентской области. -Т.: “ФАН”, 1973. – 117 с.

<sup>13</sup> Ремпель Л. И. Архитектурный орнамент Узбекистана. – Ташкент, Гослитиздат УзССР, 1961. – 602 с.; Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. История искусств Узбекистана. – М.: Искусство, 1965. – 688 с.; Булатова В. А., Маньковская Л. Ю. Памятники зодчества Ташкента XIV–XIX века. – Ташкент, 1983.

<sup>14</sup> Бабаджанов Б. М., Муминов А. К., А. фон Кюгельген. Диспуты мусульманских религиозных авторитетов в Центральной Азии в XX веке. – Алматы: Дайк-пресс, 2007. – С. 18.

<sup>15</sup> Аҳмаджонов У., Қосимзода А., Йўлдошев Н. Ислом динида авлиёлар ва уларнинг мазорларига сиғиниш. – Тошкент, 1959; Фозилов Н. Зарарли одатлар. – Тошкент, 1961; Шодиев Э. Ўзбек шоирлари диний маросимлар ва уларнинг зарарлари тўғрисида. – Л., 1962; Раҳмонов А., Юсупов С. Хоразмда “Муқаддас” жойлар ва уларнинг вужудга келиш сирлари. – Тошкент, 1963; Петраш Ю. Г. Қадамжолар сири. – Тошкент, 1965; Алимухаммедов А. “Муқаддас” ва “Қадамгоҳ” жойлар ҳамда уларни зарарлари (Фарғона область материаллари асосида). – Тошкент, 1966; Ўша муаллиф: Ислом динидаги маросимчилик ва урф-одатлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1969; Шарипов Э., Бозоров Э. “Муқаддас” жойлар тўғрисида ҳақиқат. – Тошкент, 1976; Давлатбоев Т. Авлиёларга сиғиниш ва уларнинг зарарлари. – Тошкент, 1979; Саксонов Т., Ҳошимов М. Хўш, нимаси муқаддас? – Тошкент, 1985; Назаров Х., Темиров Ф. Медицина ва диний хурофотлар. – Тошкент, 1981; Саксонов Т. “Муқаддас” жойлар – хурофот ва бидъат ўчоғи. – Тошкент, 1986.

муассаса ва ташкилотларнинг тугатилиши, диний уламоларнинг қатағон қилиниши каби салбий оқибатларга олиб келган эди.

**4. Мустақилликдан сўнг нашр қилинган адабиётлар.** Истиқлол йилларида мамлакатимизда 8208 та маданий мерос ёдгорликлари, шу жумладан, 2250 та архитектура, 4748 дан ортиқ археология ёдгорликлари, 678 та маҳобатли санъат ёдгорликлари ҳамда 532 та диққатга сазовор жойлар давлат ҳимоясига олинди<sup>16</sup>. Ушбу ноёб моддий меросни ўрганиш борасида мустақиллик шарофати билан янгича, яъни ўзбек халқининг миллий кадриятлари ва анъаналари нуқтаи назаридан илмий тадқиқотлар олиб борилди. Мазкур даврда зиёратгоҳлар ва зиёрат маросимларини тарих, археология, этнология, эпиграфика, фольклоршунослик ҳамда туристик нуқтаи-назардан ўрганиш борасида салмоқли тадқиқотлар амалга оширилиб, янги назарий-методологик ёндашувга эга адабиётлар яратилди.

**5. Хорижий тадқиқотлар.** Маълумки, хорижий тадқиқотчиларнинг Марказий Осиё халқлари турмуш тарзи, диний эътиқоди ва ислом маданиятига бўлган қизиқиши доимо юқори бўлиб келган. Аммо, совет даврида олиб борилган атеистик ва ёпиқ сиёсат туфайли кенг кўламли тадқиқотлар олиб бориш имкони бўлмаган. 1955 йилда “Islamic Review” инглиз журналида А. Беннигсен томонидан нашр қилинган “Soviets and Muslim peoples in Soviet Russia” (“Советлар ва совет Россиясида мусулмон халқлари”) мақоласида муаллиф томонидан совет жамиятида мавжуд бўлса-да, аммо сиёсий тузум сабабли инкор этиб келинаётган долзарб масалалар ёритиб берилган<sup>17</sup>.

1990-йиллардан бошлаб зиёратгоҳлар ва авлиё култи мавзуларига янгича ёндашувлар пайдо бўлди. Ўз ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Совет давлати парчалангандан сўнг, яъни мустақиллик даврига келиб зиёратгоҳларнинг ислом дини тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини ўрганишга илмий жиҳатдан ёндашувлар сезиларли даражада ўсди. Дастлабки тарихий-архитектуравий, археологик, этнологик ҳамда диншунослик нуқтаи назаридан ўрганилган адабиётлар яратилган бўлса, сўнгги йилларда мазкур муаммо туризм билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилмоқда. Шунингдек, зиёратгоҳлар тарихини ўрганишда араб ва форс тилидаги манбаларнинг таржима қилиниши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг турли тарихий-этнографик ҳудудларидаги муқаддас зиёратгоҳлар тарихи ва улар билан боғлиқ тарихий ҳамда маданий жараёнлар тарихига бағишланган қатор маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар бажарилган бўлса-да, лекин ушбу йўналишда амалга оширилиши зарур ҳисобланган бир қатор долзарб масалалар ҳам мавжуд. Жумладан, хорижий тадқиқотчилар томонидан ҳам ҳозирги кунга қадар зиёратгоҳлар, улардаги авлиё култи масаласи ва зиёрат маросимларининг

<sup>16</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4-октябрдаги “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 846-сонли Қарори. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>17</sup>Ўзбекистон Миллий архиви. 2456-фонд, 1-рўйхат, 180-иш. 17-варақ.



инсон руҳиятига таъсири тўлиқ ёритилмаган. Шунингдек, муқаддас жойлар ва зиёратгоҳлар этнотуризм ҳамда зиёрат туризми, шунингдек, экологик кўриқхона нуқтаи назаридан комплекс тадқиқ қилинмаган. Зиёрат маросимларининг халқ турмуш тарзидаги ўрни ва уларнинг инсон руҳиятига таъсири масалаларини ҳам ўрганиш бугунги кунда долзарб ҳисобланади. Зеро, зиёратгоҳларга бўлган ишонч ва эътиқод аввало, халқнинг руҳияти, интилишлари ҳамда эртанги кунга ишончи билан боғлиқ.

Биринчи бобнинг **“Олтин мерос” халқаро хайрия жамоат фондининг Тошкент вилояти зиёратгоҳларида олиб борган фаолияти**” деб номланган параграфидида мазкур жамғарманинг зиёратгоҳлар билан боғлиқ 20 йиллик фаолияти ёритиб берилган. 1996 йилда ташкил қилинган ушбу жамғарманинг Тошкент вилояти бўлими тасарруфига 2000 йилда вилоятдаги 24 та зиёратгоҳ ўтказилган ва мазкур жамғарма қуйидаги йўналишларда фаолият олиб борган:

1. Муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар жорий ҳолатини ўрганиш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш.

2. Тошкент вилоятида зиёрат туризмни тараққий эттириш мақсадида зиёратгоҳлар инфратузилмасини комплекс ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

3. Тошкент вилояти зиёратгоҳлари тарихи ва зиёратгоҳга айланиш сабабларини ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда зиёрат маросимлари бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш, зиёратгоҳларга масъул шахсларни тайинлаш.

4. Тошкент вилоятидаги тарихий объектлар, табаррук қадамжо ва зиёратгоҳлар ҳамда улар билан боғлиқ маросимларни ўрганиш мақсадида илмий экспедициялар ташкил этиш.

5. Зиёратгоҳлар тарихини ўрганиш ва уларни кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этиш мақсадида илмий-оммабоп адабиётлар нашр этиш, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш ҳамда зиёратгоҳлар тарихига оид ҳужжатли фильмлар яратишга ҳомийлик қилиш.

Бугунги кунга қадар фонд томонидан Тошкент вилояти бўйлаб 151 та табаррук қадамжо ва зиёратгоҳлар рўйхатга олиниб, уларнинг топографик харитаси ишлаб чиқилган. Оҳангарон туманидаги “Пайғамбар ота” (2001 йил), Паркент туманидаги “Заркент ота” (2002 йил) ва Оққўрғон туманидаги “Шомирқори авлиё” зиёратгоҳлари (2005 йил) ҳашар йўли билан реконструкция қилинди ҳамда Оҳангарон туманидаги Шоабдумалик ота зиёратгоҳи шарқона услубда бунёд этилди. Мазкур зиёратгоҳлар бугунги кунда Тошкент вилоятининг муҳим туризм объектларидан бирига айланган.

Жамғарма фаолиятининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, зиёратгоҳларни реконструкция қилиш жараёнида уларнинг тарихий қиёфаси ҳамда табиий экотизимини сақлаш ва зиёратгоҳлар атрофида арчазорлар ташкил этиш орқали ушбу объектларни экоқўриқхоналарга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Умуман олганда, “Олтин Мерос” халқаро

хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими томонидан зиёратгоҳлар тарихини ўрганиш ва реконструкция қилиш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда лойиҳалар бугунги кунда мазкур ҳудудда зиёрат туризми соҳасини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. 2021 йилдан бошлаб жамғарма назоратидаги зиёратгоҳларнинг барчаси Тошкент вилояти Маданий мерос бошқармаси балансига ўтказилганлиги боис, режалаштирилган бунёдкорлик ишлари амалга оширилмай қолди. Ҳозирги кунда вилоят зиёратгоҳларида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларининг барчаси давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилмоқда. “Олтин мерос” халқаро хайрия жамоат фонди эса мазкур ишларни хайр-эҳсондан тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширган. Яъни, зиёратгоҳларни жамғармага қайтариб бериш орқали уларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш билан бир қаторда давлат бюджети маблағларини тежаш имкониятини ҳам беради.

Диссертациянинг **“Тошкент вилояти муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлари тавсифи ҳамда таснифи”** деб номланган иккинчи бобида вилоят зиёратгоҳлари ва қадамжоларининг тавсифи ҳамда хусусиятларига кўра таснифлашга асосий эътибор қаратилган.

Иккинчи бобнинг дастлабки параграфи зиёрат, зиёратгоҳлар ва қадамжолар тўғрисидаги қарашлар ҳамда тасаввурларга бағишланган бўлиб, унда “зиёрат”, “қадамжо”, “азизжой”, “зиёратгоҳ”, авлиё ва валийлар тўғрисидаги тасаввурлар дала тадқиқотлари материаллари асосида таҳлил қилинган<sup>18</sup>.

Ўз ўрнида шуни қайд этиш керакки, Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган зиёратгоҳлар билан боғлиқ қарашларни қуйидагича таснифлаш мумкин: 1. Ҳазрати Хизр билан боғлиқ қарашлар; 2. Ислом динидаги машҳур саҳобалар ва уларнинг издошлари билан боғлиқ тасаввурлар; 3. Авлиёлар билан боғлиқ қарашлар; 4. Аёл тасвиридаги культлар билан боғлиқ қарашлар; 5. Муқаддас буюмлар билан боғлиқ қарашлар; 6. Ҳайвонлар билан боғлиқ қарашлар; 7. Тоғу-тош ва ғорлар билан боғлиқ қарашлар; 8. Дарё, кўл ва булоқлар билан боғлиқ қарашлар; 9. Дарахт ва ўсимликлар билан боғлиқ тасаввурлар; 10. Туш кўриш билан боғлиқ қарашлар; 11. Шайх (саййидлар, хўжалар ва эшонлар)лар номи билан боғлиқ қарашлар.

Шуни таъкидлаш керакки, Тошкент вилоятидаги муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар тарихи ўзига хос бир-бирини такрорламайдиган афсона ҳамда ривоятлар бой бўлиб, асосан, диний ҳиссиётларни шакллантириш учун хизмат қилади. Шу сабабли ҳам зиёратчилар ўз руҳияти ва шахсий эҳтиёжидан келиб чиқиб, ушбу зиёратгоҳларга ташриф буюради. Шу билан бирга, қадамжо ва зиёратгоҳларнинг ҳар бири маълум бир туман, қишлоқ ҳамда маҳаллаларда яшовчи маҳаллий аҳоли анъанавий турмуш тарзи ва диний қарашларини ифодаловчи маскан сифатида муҳим ўрин тутди.

---

<sup>18</sup> Дала ёзувлари. Тошкент вилояти 2018— 2021 й.

Ушбу бобнинг *“Зиёратгоҳларнинг тарихий шаклланиши ва меъморий тузилиши”* деб номланган иккинчи параграфда Тошкент вилояти зиёратгоҳларининг ривожланиш тарихига кўра, қуйидаги босқичларга бўлиб таҳлил қилинган:

1. Ислом дини Тошкент воҳасига кириб келгунга қадар мавжуд бўлган диний эътиқодлар билан боғлиқ зиёратгоҳлар ва зиёрат маросимларининг ривожланиш даври. Ушбу даврда асосан, фетишизм, анимизм, тотемизм, шомонлик, Кўк Тангри эътиқоди, зардуштийлик, насронийлик ва монийлик каби диний қарашлар билан боғлиқ муқаддас қадамжо ҳамда зиёратгоҳлар бўлиб, улар орасида қоя тош расмлари энг қадимий ҳисобланади;

2. VIII аср бошларидан XIV асргача бўлган давр. Мазкур даврда араблар истилоси натижасида ислом динининг кириб келиши ва маҳаллий зиёратгоҳлар ҳамда зиёрат маросимларининг ислом ақидалари билан симбиози юз беради;

3. XIV асрдан то XIX асрнинг охиригача бўлган давр. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, тасаввуф таълимотининг кенг тарқалиши ҳамда авлиёларга бўлган эҳтиромнинг юксаклиги боис Тошкент воҳасида XIV асрда сўфийларнинг мемориал-диний зиёратгоҳлари кенг тарқалган<sup>19</sup>. Жумладан, ўрта асрларга оид меъморий ечимга эга Шоабдумалик ота ва Бобохон ота каби зиёратгоҳлар чиллахоналари бугунги кунга қадар яхши сақланиб қолган. Шунингдек, Зангиота ҳамда Қизилмозор каби зиёратгоҳлар эса ўрта аср меъморчилиги обидалари намуналари ҳисобланади;

4. Совет даври. Мазкур даврда олиб борилган кескин атеистик сиёсат туфайли зиёратгоҳлар ва зиёрат маросимлари “ёт унсурлар” деб эълон қилиниб, муқаддас қадамжо ҳамда зиёратгоҳларни бузиб ташлаш, атеистик музейлар, цех ва омборхоналарга айлантириш ва зиёрат маросимларига қарши кураш олиб борилди;

5. Мустақиллик йиллари. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнгги йиллар табаррук қадамжо ва зиёратгоҳларнинг қайта тикланиш даври бўлиб, ушбу масканларда зиёратга келувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилди. Сўнгги йилларда зиёрат туризмини ривожлантириш мақсадида республика миқёсида мавжуд табаррук қадамжо ва зиёратгоҳларни ўрганиш, зиёратгоҳлар инфратузилмаларини ривожлантириш ҳамда реконструкция қилиш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Тошкент вилоятидаги зиёратгоҳлар меъморий ечимига кўра, қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

1. Ўрта асрларга оид меъморий-тарихий мақбаралар – Зангиота (Зангиота тумани), Қизилмозор (Бекобод тумани), Бобохонота (Ўрта Чирчиқ тумани), Қорихона (Оҳангарон тумани);

---

<sup>19</sup> Тошкент тамаддуни тарихи ва тараққиёт истиқболлари. – Т.: Маънавият, 2014. – Б. 96.

2. Мустақилликдан сўнг қайта қурилган ва шарқона услубга эга мақбаралар: Шоабдумалик ота ва Пайғамбарота (Оҳангарон тумани), Шомирқори авлиё (Оққўрғон тумани), Аҳтам саҳоба ҳамда Мушук ота (Нурафшон шаҳри), Эрвалибобо ва Гумбазбобо (Ангрен шаҳри), Шайх Умар Вали Боғустоний ҳамда Икрима ота (Бўстонлик тумани), Парпи ота ва Боғизиён ота (Пискент тумани), Кўктўнли ота (Қибрай тумани), Мачитали бобо, Заркент ота ҳамда Бобомочин ота (Паркент тумани), Саид ота (Зангиота тумани), Ийк ота (Юқори Чирчиқ тумани), Саид Муҳаммад Вали (Ўртачирчиқ тумани) Бузрукбобо, Темиратки ота ва Хатиб ота (Бекобод тумани).

Шунингдек, Тошкент вилоятидаги Зангиота зиёратгоҳи меъморий тузилиши ва у ерда олиб борилган таъмирлаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос инспекцияси архив материаллари асосида таҳлил қилинган.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи зиёратгоҳ ва қадамжоларнинг маҳаллий ҳамда ўзига хос хусусиятларини ёритишга бағишланган бўлиб, Тошкент вилоятида жойлашган зиёратгоҳларнинг вужудга келиш омиллари, пайдо бўлган даври, умумэътироф этган даражалари ҳамда зиёратгоҳларнинг вазифаси нуктаи назаридан икки гуруҳга таснифланган:

1. Табиий (ландшафтли) зиёратгоҳлар.
2. Қўл билан яратилган (антропоген) зиёратгоҳлар.

Шунингдек, зиёратгоҳларининг ўзига хос маҳаллий хусусиятларидан бири сифатида савдо йўли бўйлаб жойлашганлиги талқин қилинган. Жумладан, Бўстонлик туманидаги “Қадамжо” зиёратгоҳи Урумчи ва Хитой, Оҳангарон водийсидаги Арашон бобо зиёратгоҳи Писком-Чуст, Шоабдумалик бобо зиёратгоҳи Тошкент-Фарғона водийси, Паркент туманидаги Заркент ота, Чиноздаги Жаъфар ибн Ҳусайн Саййид Баттол Ғозий номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар, Парпи ота, Кўл ота ва Зангиота зиёратгоҳлари ҳам савдо йўллари тармоқларида жойлашган бўлиб, мазкур зиёратгоҳлар нафақат диний-маърифий, шу билан бирга, иқтисодий жиҳатдан ҳам муҳим роль ўйнаган.

